

Т АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
07.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АССИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

МИРЗАЕВ ОЛИМЖОН НОМАЗОВИЧ

**БЕЛГИЛАР ФАЗОСИ ЎЛЧАМИНИНГ КАТТАЛИГИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ПОТЕНЦИАЛ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИ ДОИРАСИДА
ТАНИБ ОЛИШ ОПЕРАТОРЛАРИНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўй
аф

Оглавление авторовеф

Contents of disse

Мирзаев Олимж
Белгилар фазоси
функциялар сиг

Мирзаев Олг
Синтез распе
большой ра

A/2546

A

M 54

Мирзаев, О. Н.

Белгилар фазоси улча-
мининг каттадигини хи-
собга олган ҳолда по-
тенциал функциялар
синфидоирада таъиб
олиш операторларини
синтез қилиш дис. ав-
тореферати.

Т. 2018

Б.ц

ом
21

into
..... 39

..... 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

МИРЗАЕВ ОЛИМЖОН НОМАЗОВИЧ

БЕЛГИЛАР ФАЗОСИ ЎЛЧАМИНИНГ КАТТАЛИГИНИ ҲИСОБГА
ОЛГАН ҲОЛДА ПОТЕНЦИАЛ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИ ДОИРАСИДА
ТАНИБ ОЛИШ ОПЕРАТОРЛАРИНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фозилов Шавкат Хайруллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Шухрат Манапович
техника фанлари доктори, профессор

Порсаев Ғанижон Мухамедович
техника фанлари номзоди

Етақчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «9» ИЮН соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 25/4 рақам билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «26» МАЙ кунини тарқатилди.
(2018 йил «28» АПРИ даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

М.А.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда маълумотларга ишлов бериш, интеллектуал таҳлил технологиялари ва тимсолларни таниб олиш усулларини ишлаб чиқишга ва уларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда таниб олиш ва таснифлаш тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни техник ва тиббий ташхислашда, биометрик тизимларда, саноат объектларини бошқаришда жорий қилиш муҳим масалалардан биридир. Ҳозирги кунда таниб олиш ва таснифлашнинг турли усуллари жумладан, детерминлашган, эҳтимолий, мантиқий, тузилмавий каби усуллари ишлаб чиқилган ва тадқиқ қилинган. Кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Белоруссия, Германия, Жанубий Корея, Канада, Россия Федерацияси, Сингапур, Украина, Хитой, Ҳиндистон ва Японияда таниб олиш ва таснифлаш соҳасига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тимсолларни таниб олиш тизимларида қўлланиладиган усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, белгилар фазоси ўлчами катта бўлган ҳолда фойдаланиш учун йўналтирилган таниб олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш, белгилар фазоси ўлчами катта бўлганда таниб олиш имконини берувчи, белгилар фазосида боғлиқликлар мавжуд бўлганда таниб олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари амалга оширилиб, жумладан, компьютер тизимларида ахборотларга ишлов бериш ва маълумотларни таҳлил қилиш, таниб олиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, "... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш"¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, белгилар фазоси ўлчамининг катталигини ҳисобга олган ҳолда, потенциал функциялар синфи доирасида таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПК-3245-сон "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиха бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2013 йил 27 июндаги ПК-1989-сон "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 октябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони

838-сон “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда маълумотларга ишлов бериш ва тимсолларни таниб олиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётга қўллаш масалалари С.В.Абламейко, С.А.Айвазян, М.А.Айзерман, В.В.Александров, В.Б.Бериков, М.М.Бонгард, Э.М.Браверман, В.Н.Вапник, В.И.Васильев, С.Ватанабе, Р.Гансалес, А.Л.Горелик, Н.Д.Горский, У.Гренандер, И.Б.Гуревич, А.Г.Дьяконов., Р.Дуда, Ю.И.Журавлев, Н.Г.Загоруйко, А.Г.Ивахненко, В.А.Ковалевский, Г.С.Лбов, В.Л.Матросов, Н.Нильсон, Т.Павлидис, Э.Патрик, Ф.Розенблатт, Дж.Ту, К.Фу, П.Харт, Б.Хорн, Я.З.Цыпкин ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда тимсолларни таниб олиш ва маълумотларга синфли ишлов беришнинг назарий асосларини ривожлантиришга М.М.Камилов, Р.Т.Абдукаримов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, Э.М.Алиев, Дж.Х.Гулямов, Н.А.Игнатъев, Р.А.Лутфуллаев, А.Х.Нишанов, Р.Х.Хамдамов, С.С.Содиқов, Н.Т.Рустамов, М.Х.Тешабаева, Ш.Е.Туляганов, Ш.Х.Фозилов ва бошқалар ўзларининг катта хиссаларини қўшдилар.

Ҳозирги кунда таниб олиш назариясидаги улкан ютуқларига қарамай, ўзаро боғланган белгилар фазосида потенциал функциялар усули орқали тимсолларни таниб олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот режасининг ФА-А17-Ф010-сон “Шахсни биометрик идентификация қилишнинг кўп поғонали тизимининг алгоритмик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш” (2009-2011); А5-ФА-Ф022-сон “Биометрик ечимларнинг гибрид алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш” (2012-2014); Ф4-ФА-Ф004-сон “Қисмий прецедентликка асосланган ахборот-таниб олиш тизимларининг назарияси ва уларни маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш учун тадбиқ этиш усуллари”(2012-2016); А5-003-сон “Қўлэзма матнларини таҳлил қилиш тизимининг алгоритмик таъминотини яратиш ва амалда қўллаш” (2015-2017) мавзулардаги

лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади белгилар фазоси ўлчами катта бўлган ҳол учун потенциал функциялар синфида таниб олиш операторларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

потенциал функцияларга асосланган таниб олиш операторларини модификация қилиш;

потенциал манбалари моделини қуришга асосланган таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторларини оптималлаштириш ва параметрик ифодасини ишлаб чиқиш;

амалий ва модел масалаларни ечиш асосида, ишлаб чиқилган таниб олиш операторларини амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида потенциал функцияларга асосланган таниб олиш алгоритмлар синфи қаралган.

Тадқиқотнинг предмети белгилар фазосини ўлчами катта ва боғлиқлигини инобатга олиниб қурилган таниб олиш операторлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари дискрет математика, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси, тимсолларни таниб олиш усулларига асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

тимсолларни таснифловчи белгилар ўртасидаги боғлиқликни инобатга олувчи потенциал функциялар асосида такомиллаштирилган таниб олиш операторлари ишлаб чиқилган;

тадқиқ қилинаётган объектларни ифодаловчи белгилар фазосида потенциаллар манбалари моделини қуришга асосланган таниб олиш операторларининг янги синфи ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари доирасида экстремал таниб олиш алгоритмини қуриш масаласи ва параметрик ифодаси шакллантирилган;

экстремал таниб олиш алгоритмини қуришда таниб олиш операторларининг номаълум параметрлари қийматларини аниқлаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

белгилар фазосидаги боғлиқликни инобатга олувчи потенциал функциялар асосида таниб олиш операторлари такомиллаштирилган;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторлар доирасида таниб олишнинг экстремал алгоритмларини қуришга йўналтирилган ҳисоблаш процедураси ишлаб чиқилган;

катта ўлчамли белгилар фазосида ифодаланган тимсолларни таниб олиш масалаларини ечишга қаратилган “MRO-PF” дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторларнинг самарадорлиги амалий

ва модел масалаларини ечиш орқали баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экстремал алгоритм қуриш масаласини коррект қўйилгани ва таниб олишнинг экстремал алгоритмларини қуриш масаласининг математик асосланган ҳолда ечилганлиги, белгилар фазоси ўлчами катта бўлганда тимсолларни таниб олишнинг модел масаласи доирасида ўтказилган сонли тажрибалар натижалари, ишлаб чиқилган таниб олиш операторларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги назарий хулосалар тимсолларни таниб олишдаги хатоликларни тажрибавий баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тимсолларни таниб олиш назариясини белгилар орасидаги боғлиқлик мавжуд бўлганда таниб олиш алгоритмлар моделини ишлаб чиқиш орқали ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари ва дастурий таъминот белгилар фазоси ўлчами катта бўлган ҳолда амалий масалаларни ечишда юқори самарага эришиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Белгилар фазоси ўлчамининг катталигини ҳисобга олган ҳолда, потенциал функциялар синфи доирасида таниб олиш операторлари ва дастурий мажмуалар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

потенциаллар тамойили асосида такомиллаштирилган таниб олиш операторлари ва яратилган дастурий мажмуаси UNICON.UZ илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази давлат унитар корхонасига клавиатура орқали матн киритаётган фойдаланувчини аутентификация қилиш масаласини ечиш мақсадида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 14 мартдаги 33-8/1743-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида клавиатура орқали матн киритаётган фойдаланувчини идентификация қилиш аниқлигини ўртача 9 фоизга ошириш имконини берган;

потенциаллар манбалари моделини қуришга асосланган таниб олиш операторлари ва ишлаб чиқилган дастурий восита Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш марказига клавиатура орқали матн киритаётган фойдаланувчини аутентификация қилиш масаласини ечиш мақсадида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 14 мартдаги 33-8/1743-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ахборот тизимига рухсатсиз киришни чеклашда йўл қўйиладиган хатоликни 50 фоизга камайиш имконини берган;

потенциаллар тамойили асосида такомиллаштирилган таниб олиш операторлари ва яратилган дастурий мажмуаси “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси “ЎзМобайл” филиалига ишлаб чиқариш биноларига кириб-чиқишни бошқариш тизимини такомиллаштириш масаласини ечиш мақсадида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 14 мартдаги

33-8/1743-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида овоз бўйича шахсни идентификация қилиш аниқлигини 15 фоизга ошириш имконини берган;

потенциаллар манбалари моделини куришга асосланган таниб олиш операторлари ва ишлаб чиқилган дастурий восита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик вазириликнинг Эксперт криминалистика марказига шахсни овоз бўйича идентификация қилиш масаласини ечиш мақсадида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириликнинг 2018 йил 14 мартдаги 33-8/1743-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида овоз бўйича шахсни идентификация қилиш аниқлигини 10 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 12 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий, 9 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Ишнинг мақсад ва вазибалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишнинг синон натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Тимсолларни таниб олиш муаммоларининг замонавий ҳолати” деб номланган биринчи бобида тимсолларни таниб олиш алгоритмларининг асосий моделлари кўриб чиқилган, шунингдек, таниб олиш объектлари тақдим этилган белгилар фазоси ўлчами ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олувчи таниб олиш алгоритмларини янги моделларини ишлаб чиқиш учун асослар келтирилган. Асосий тушунча ва таърифлар киритилган, диссертация тадқиқотининг асосий масаласи шакллантирилган.

1.1 параграфда Ю.И. Журавлев томонидан таклиф этилган тимсолларни таниб олиш алгоритмларининг моделлари таснифи келтирилган.

1.2 параграфда потенциал функциялар усулига асосланган таниб олиш алгоритмлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу моделларнинг таҳлили ҳозирги кунда таниб олиш алгоритмларини қуришнинг қўплаб турли усуллари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Бироқ мавжуд адабий манбалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, таниб олиш алгоритмларининг ишлаб чиқилган моделлари объектлар асосан эркил белгилар фазосида (ёки белгилар орасидаги боғлиқлик жуда суст) тавсифланган масалаларни ечишга йўналтирилган.

Амалиётда таниб олишнинг катта ўлчамли белгилар фазосида берилган амалий масалалари қўплаб учрайди. Бундай масалаларни ечишда белгилар эркилиги ҳақидаги фараз қўпинча бажарилмайди. Бундан келиб чиқадики, катта ўлчамли белгилар фазоси ва белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд бўлган амалий масалаларни ечишда фойдаланиладиган таниб олиш алгоритмларини яратиш муаммоси етарлича тадқиқ этилмаган.

1.3 параграфда Ю.И. Журавлев ва унинг шогирдлари ишларидан келиб чиқиб, ишда фойдаланиладиган зарур тушунча ва таърифлар келтирилган, шунингдек, тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Тимсолларни аниқлашнинг асосий масаласи (Z масала) шундан иборатки, I_0 ахборот ва мумкин бўлган S объектнинг $I(S)$ тавсифи бўйича $P_j(S) - "S \in K_j"$ элементар предикатларнинг қийматини ҳисоблаш талаб этилади.

Таниб олиш алгоритми \mathcal{A} сифат функционалини қуйидаги кўринишда берамиз:

$$\mathfrak{R}(\mathcal{A}) = \frac{1}{q} \sum_{u=1}^q H(\|\tilde{\alpha}(S_u) - \mathcal{A}(\pi, S_u)\|_B), \quad (1)$$

$$H(x) = \begin{cases} 0, & x = 0 \text{ бўлганда;} \\ 1, & x \neq 0 \text{ бўлганда,} \end{cases}$$

$$\mathcal{A} = B \circ C,$$

$$B(\|b_{ij}\|_{m \times l}) = \|b_{ij}\|_{m \times l},$$

$$C(\|b_{ij}\|_{m \times l}, c_1, c_2) = \|\beta_{ij}\|_{m \times l},$$

бу ерда $\|\cdot\|_B$ – булев векторининг нормаси, q – назорат танланмасининг объектлари сони.

$\{\mathcal{A}\}$ тўплами учун (1) сифат функционали берилган. Аниқланган асосий масала (\tilde{Z} масала) шундан иборатки, $\{\mathcal{A}\}$ алгоритмлар орасидан шундай \mathcal{A}^* алгоритмини топиш керакки, бунда:

$$\mathfrak{R}(\mathcal{A}^*) = \inf_{\mathcal{A} \in \{\mathcal{A}\}} \mathfrak{R}(\mathcal{A}). \quad (2)$$

(2) масалани ечиш учун икки ёндашув кўриб чиқилган: мавжуд таниб олиш операторларининг модификацияси ва таниб олиш объектлари тавсифларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда янги таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш.

Биринчи ёндашувга мувофиқ эркисиз белгиларни ажратиш ва ўзаро боғланган белгиларни чиқариш асосида таниб олиш операторларининг такомиллаштириш амалга оширилди, иккинчида эса белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги баҳоси ва навбатдаги боғланишлар модели сифатида объектнинг тавсифи белгиларини қўллашга асосланган таниб олиш операторларининг модели ишлаб чиқилган. Иккала ҳолда ҳам таниб олиш алгоритмларининг дастлабки модели сифатида потенциал функцияларга асосланган таниб олиш операторлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг “Потенциал функцияларга асосланган таниб олиш операторлари моделларини ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи бобида потенциал функцияларга асосланган таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш муаммолари кўриб чиқилган. Таниб олиш операторларининг берилишининг асосий босқичлари тавсифланган, таниб олишнинг ишлаб чиқилган моделлари параметрик ифодалаш муаммолари кўриб чиқилган.

2.1 параграфда такомиллаштирилган таниб олиш операторларини куриш босқичлари келтирилган.

1. Кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпланини ажратиш. Ушбу босқичда таркиби n' параметрга боғлиқ бўлган белгиларнинг “эркли” қисм тўпламлари тизими аниқланади. Ушбу параметрга турли бутун қийматларни бериб, турли алгоритмларни ҳосил қиламиз.

2. Репрезентатив белгилар мажмуасини шакллантириш. Мазкур босқични бажариш натижасида ўлчами дастлабкисига қараганда анча кам бўлган қисқартirilган белгилар фазосини ҳосил қиламиз. Шакллантирилган белилар фазосини X' ($X' = (x_1, \dots, x_n)$) орқали белгилаймиз.

3. Мақбул белгиларни ажратиш. X' дан мақбул белгини танлаш \tilde{S}^m тўплагма тегишли объектларни икки \tilde{K}_j ва $S\tilde{K}_j$ қисм тўпламларга ажратувчи қаралаётган белгининг устунлик баҳоси асосида амалга оширилади.

4. S_u ва S_v объектлар орасидаги $d(S_u, S_v)$ тафовут функциясини аниқлаш. Ушбу босқичда янги мақбул \tilde{X}_j белгилар фазосида S_u ва S_v объектлар орасидаги фарқни характерловчи тафовут функцияси берилади. Ушбу объектлар орасидаги фарқ куйидагича аниқланади:

$$d(S_u, S_v) = \sum_{i=1}^{n'} \lambda_i (s_{ui} - s_{vi})^2,$$

бунда $\lambda_i - \chi_i$ белгига мос оғирлик коэффициентлари.

5. S_u ва S_v объектлар орасидаги $\Pi(S_u, S_v)$ яқинлик функциясини бериш. Мазкур босқичда S_u ва S_v объектлар орасидаги яқинлик функцияси потенциал функциялар ёрдамида аниқланади. Потенциал функция сифатида S_u объектдан S_v объектни чиқариб ташлаганда камаювчи мусбат $\Pi(S_u, S_v)$ функцияни киритамиз. $\Pi(S_u, S_v)$ функция S_u фиксирланганда S_v нуктада жойлашган заряднинг потенциали вазифасини бажаради.

6. S объект учун K_j синф бўйича тегишлилик баҳосини ҳисоблаш. Синф учун йиғинди потенциал сифатида куйидаги функцияни оламиз:

$$\Pi_j(S) = \sum_{S \in K_j} \gamma_u \Pi(S_u, S), \quad \tilde{K}_j = \tilde{S}^m \cap K_j,$$

бу ерда γ_u – таниб олиш оператори параметри.

Санаб ўтилган босқичлар потенциаллар тамойилига асосланган такомиллаштирилган таниб олиш операторларини тўлагича аниқлайди.

2.2 параграфда потенциал манбалари моделларини қуришга асосланган таниб олиш операторлари янги синфининг босқичлари келтирилган.

Потенциал манбалари моделларини қуришга асосланган таниб олиш операторларини қуриш ўз ичига еттита босқични олади. Таниб олиш операторларини беришнинг биринчи ва иккинчи босқичлари такомиллаштирилган таниб олиш операторларини беришнинг биринчи ва иккинчи босқичларига мос келади. Шунинг учун учинчидан бошлаб кейинги бешта босқич кўриб чиқилади.

3. $K_j (j = \overline{1, l})$ синф учун ҳар бир қисм тўпламда боғлиқлик моделларини аниқлаш. $x_i - \Omega_q$ қисм тўпламга тегишли бўлган ихтиёрий белги бўлсин.

$$x_i = F(\bar{c}, x_q), \quad x_i \in \Omega_q \setminus x_q, \quad i = \overline{1, |\Omega_q|}, \quad q \neq i,$$

бунда \bar{c} – номаълум параметрлар вектори, F – бирор бир берилган $\{F\}$ синфдаги функция.

Номаълум параметрлар вектори \bar{c} нинг ҳисобланган қийматлари $K_j (j = \overline{1, l})$ синф учун Ω_q белгилар қисм тўпламда боғлиқлик моделини аниқлайди. $F(\bar{c}, x)$ нинг параметрик кўринишини берилиши ва \bar{c} ни аниқлаш усулига қараб $\Omega_q (q = \overline{1, n'})$ белгилар қисм тўпламда боғлиқликнинг турли моделларини ҳосил қиламиз.

4. Боғлиқликнинг мақбул моделларини ажраттиш. Ω_q да боғланишнинг мақбул моделини қидириш I_0 тўпламга тааллуқли объектлар учун қаралаётган моделларнинг ўстунлик баҳоси асосида амалга оширилади:

$$T_i = \frac{\Theta_{ij}}{\mathfrak{M}_{ij}},$$

$$\Theta_{ij} = L_2 \sum_{s \in \bar{K}_j} (x_i - F_j(\bar{c}, x_q))^2,$$

$$\mathfrak{M}_{ij} = L_1 \sum_{s \in C\bar{K}_j} (x_i - F_j(\bar{c}, x_q))^2,$$

$$L_1 = |\bar{K}_j|, L_2 = |C\bar{K}_j|.$$

5. Ω_q га қирувчи белгилар бўйича K_j ва S объектлар орасидаги $d_q(K_j, S)$ тафовут функцияни аниқлаш. K_j синф объектлари ва S объект орасидаги $d_q(K_j, S)$ тафовут функцияни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$d_q(K_j, S) = \sum_{q=1}^{n'} \eta_q |a_i - F_j(\bar{c}, \chi_q)|,$$

бунда $F_j(\bar{c}, \chi_q)$ – боғланишнинг мақбул модели; a_i – S объектнинг i -белгиси қиймати; χ_q – таянч белги. χ_i белги кучли боғланган Ω_q белгиларнинг қисм тўпламига тегишли деб ҳисобланади.

6. K_j синф объектлари ва S объект орасидаги $U_j(S)$ яқинлик функциясини бериш. Ушбу босқичда S объектни K_j синфга яқинлиги аниқланади.

$$U(S, S_v) = 1/(1 + \lambda d(S, S_v)),$$

бу ерда λ – таниб олиш оператори параметри.

7. K_j синфга тегишлилик баҳосини ҳисоблаш. Мазкур босқичда S объектнинг K_j синфга тегишлилик баҳосини ҳисоблаш яқинлик баҳосининг функцияси сифатида аниқланади:

$$\mu_j(S) = \gamma_j \Pi(K_j, S) - \sum_{\substack{u=1 \\ u \neq j}}^l \gamma_u \Pi(K_j, S),$$

бунда γ_u – таниб олиш операторининг параметри.

Таниб олиш операторларининг таклиф этилган модели босқичлари π параметрлар мажмуасини ажратиш имконини беради. Агар ушбу параметрларга маълум сонли қийматларни ўзлаштирилса, у ҳолда таниб олишнинг мос алгоритмини оламиз. Сонли параметрлар тўплами ва таниб олиш алгоритми орасидаги боғлиқлик қаралаётган таниб олиш операторининг параметрик ифодасига олиб келади.

Таниб олиш операторлари моделларининг параметрик ифодаси ҳар бир операторга дастлабки ахборот таҳлили асосида олинган параметрларнинг аниқ сонли қийматларига мос қўйиш имконини беради.

2.3 параграфда ишлаб чиқилган таниб олиш операторларининг параметрик ифодалаш масалалари батафсил кўриб чиқилган. Натижада π^θ параметрлар фазосида акслантиришни ҳосил қиламиз:

потенциаллар тамойилига асосланган таниб олиш операторларининг такомиллаштирилган модели:

$$\pi^\theta = (n', \{\bar{\omega}\}, \{\bar{p}\}, \{\lambda_i\}, \xi, \{\gamma_u\}),$$

бу ерда θ – бериладиган параметрлар сони;

потенциаллар манбалари моделини қуришга асосланган таниб олиш операторларининг модели:

$$\pi^\theta = (n', \{\bar{\omega}\}, \{\bar{c}\}, \{\bar{p}_q\}, \{\eta_q\}, \xi, \{\gamma_u\}),$$

бу ерда θ – бериладиган параметрлар сони.

Диссертациянинг “Экстремал алгоритмларни қуриш усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида экстремал таниб олиш алгоритмларини қуриш масалалари кўрилган, ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари параметрлар тўпламини топиш жараёнлари келтирилган.

3.1 параграфда ишлаб чиқилган таниб олиш операторлар доирасида экстремал таниб олиш операторини қуриш масаласининг формал кўриниши келтирилган.

Таниб олиш операторлар тўплами берилган. Ушбу тўпландаги ихтиёрый B оператор π параметрлар тўпламини берилиши билан тўлиқ ифодаланади. Кўриб чиқилаётган тўпландаги барча таниб олиш операторларини $B(\pi, S)$ орқали белгилаб оламиз. Унда экстремал таниб олиш алгоритмларини қуриш масалалари $B(\pi, S)$ таниб олиш алгоритмлар орасидан $B(\pi^*, S)$ (2) шартни бажарувчи оптимал операторни топиш масаласи сифатида ифодалаш мумкин. Бунда π таниб олиш операторининг созловчи параметрлар вектори.

(2) масалани ечишнинг асосий ғояси, ҳар бир қадамда топилган параметрлар векторининг “оптимал” қийматларини кетма-кет аниқлашдан иборат. Ҳар бир итерациядан сўнг (1) сифат функционали қиймати

ҳисобланади. Агар қиймати берилган чегаравий сондан кичик ёки итерация қиймати берилган қийматдан катта бўлса, унда излаш жараёни тўхтатилади.

Кейинги параграфларда ишлаб чиқилган таниб олиш операторларининг параметрлар тўпламини ҳар бир элементи қийматини аниқлаш жараёнлари кўриб чиқилган.

3.2 параграфда кучли боғлиқ бўлган белгилар тўплamlарини ажратиб олиш жараёни келтирилган. Унинг асосий ғояси қуйидагидан иборат. Агар кўрилатган белгилар тўплами бир-бирига етарлича ўхшаш бўлса, улар бирлаштирилади. Акс ҳолда, улар фарқли ҳисобланиб, ҳар хил тўплamlарга ажратилади.

3.3 параграфда репрезентатив белгилар тўпламини шакллантириш жараёни берилган. Репрезентатив белгиларни танлашнинг асосий ғояси, бу шакллантирилатган белгилар тўпламида улар ўртасидаги фарқ (ўхшамаслик). Репрезентатив белгилар тўпламини шакллантириш жараёнида, ҳар бир танлаб олинган реперезентатив белги ўзининг кучли боғлиқ бўлган белгилар тўпламининг типик вакили бўлиши талаб қилинади. Кучли боғлиқ бўлган белгилар тўплamlдан репрезентатив белгини аниқлаб олиш усули уларнинг қувватига боғлиқ. Кучли боғлиқ бўлган белгилар тўпламини шакллантиришда бир, икки ва ундан кўп элементли тўплamlлар ҳосил бўлади. Ушбу жараённи амалга оширганда белгилар фазоси берилганга нисбатан анча кичиклаштирилади.

3.4. параграфда ҳар бир синф учун кучли боғлиқ бўлган белгилар тўплamlларида боғлиқликлар модели кўриб чиқилган. Шу билан бирга боғлиқлик чизиқли кўринишда берилади:

$$x_i = c_1 x_{i_q} + c_0, x_i \in \Omega_q \setminus x_{i_q},$$

бу ерда c_1, c_0 – боғлиқликлар моделининг номаълум параметрлари. Бу номаълум параметрларни қийматларини аниқлаш учун Холецкий алгоритмидан фойдаланилади.

3.5 параграфда объект ва синф ўртасидаги фарқни характерловчи функциянинг параметрларини аниқлаш алгоритмлари таклиф қилинган. Ҳар бир танлаб олинган белги учун фарқлилик функцияси параметри $x_i (i = \overline{1, n''})$:

$$\lambda_i = (\Xi_i - P_i) / \sum_{i=1}^{n''} (\Xi_i - P_i),$$

$$\Xi_i = \sum_{j=1}^l \left(\frac{1}{m_j(m - m_j)} \sum_{\substack{s_u \in R_j \\ s_p \in R_j}} r_{uv}(x_i) \right),$$

$$P_i = \sum_{j=1}^l \left(\frac{2}{m_j(m_j + 1)} \sum_{S_u, S_v \in R_j} r_{uv}(x_i) \right).$$

Потенциал функциянинг силлиқловчи параметрининг қийматини аниқлаш учун дихотомия усулидан фойдаланилади.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқилган алгоритмларни экспериментал тадқиқи ва дастурий амалга оширилиши” деб номланган тўртинчи бобида “MRO-PF” дастурий мажмуанинг таснифи берилган ва ишлаб чиқилган таниб олиш операторларининг самарадорлиги модел масалани, клавиатура орқали матн киритаётган фойдаланувчини аутентификация қилиш, шахсни овози бўйича идентификация қилиш ҳамда маданий ўсимликларнинг барг тасвирлари бўйича фитосанитар ҳолатини диагностика қилиш масалаларида текшириб кўрилган.

4.1 параграфда ишлаб чиқилган “MRO-PF” дастурий мажмуасининг тузилмаси ва вазифалари, модел масала ва амалий масалаларнинг ечиш натижалари ҳамда солиштирма таҳлилий натижалар келтирилган.

Тадқиқот қилинадиган таниб олиш операторлари сифатида, потенциал функциялар типидagi қуйдаги таниб олиш моделлари танланган: классик (A_1), такомиллаштирилган таниб олиш алгоритми (A_2), ва потенциал манбалари моделини қуришга асосланган таниб олиш алгоритми (A_3). Таъкидлаб ўтилган таниб олиш алгоритмларининг амалий масалаларни ечишдаги солиштирма таҳлили қуйдаги тамойиллар асосида амалга оширилди:

- текширув танловидagi объектларни тўғри таниб олиш;
- ўқитишга сарфланадиган вақт;
- текширув танловидagi объектларни таниб олиш учун сарфланадиган вақт.

Ушбу тамойиллар қийматини ҳисоблаб чиқиш учун ҳар бир масала учун танловни ўқитиш ва текшириш танловларига бўлиб чиқилади. Бўлиш стандарт текширувлар кесишуви усулида амалга оширилади: 10 тасодифий танлов тахминан бир хил узунликга эга бўлган ва ҳар бир синфни бир хил қамраб олган 10 блокларга ажратилади, ҳар бир блок кетма-кет текшириш, қолганлари ўқитиш танлови деб олинади. Таниб олиш аниқлиги ва вақт кўрсаткичлари ўртача кўринишда олинади. Экспериментлар оператив хотираси 4 Gb тенг бўлган Intel Core i3 2,5 GHz компьютерида амалга оширилган.

Экспериментлар натижалари жадвалларда келтирилган. Бу жадвалда 1,2,3,4 мос равишда қуйдагилар:

– модел масала (синфлар сони $l = 2$; объектлар сони $m = 400$; белгилар сони $n = 200$);

– клавиатура орқали матнни киритиш ҳаракати бўйича фойдаланувчини аутентификация қилиш масаласи ($l = 5$; $m = 250$; $n = 90$);

– фойдаланувчини овози бўйича шахсни идентификация қилиш масаласи ($l = 10$; $m = 500$; $n = 116$);

– маданий ўсимликларнинг барг тасвирлари бўйича фитосанитар ҳолатини ташхис қилиш масаласи ($l = 2$; $m = 200$; $n = 120$).

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари қуйидагиларни кўрсатмоқда:

1. Таклиф қилинган таниб олиш операторлар модели белгилар фазоси ўлчами катта бўлганда таниб олиш аниқлигини оширди. Лекин бунда ушбу алгоритмларни ўқитишга сафланадиган вақт кўпайди.

1-жадвал

**A₁ алгоритмидан фойдаланган ҳолда олинган ҳисоблаш
экспериментлари натижалари**

Масала №	Потенциал функцияларга асосланган классик таниб олиш алгоритми		
	Вақт (сек.)		Таниб олиш аниқлиги(%)
	Ўқитиш	Таниб олиш	
1	1,68347851	0,13060913	80,75
2	1,04776129	0,08250652	73,49
3	2,70392575	0,21052087	82,68
4	0,85635329	0,06468329	79,38

2-жадвал

**A₂ алгоритмидан фойдаланган ҳолда олинган ҳисоблаш
экспериментлари натижалари**

Масала №	Потенциал функцияларга асосланган такомиллаштирилган таниб олиш алгоритми		
	Вақт (сек.)		Таниб олиш аниқлиги (%)
	Ўқитиш	Таниб олиш	
1	4,49672578	0,00349737	94,41
2	6,32509603	0,00488517	81,03
3	32,80234118	0,02568897	94,32
4	2,61951308	0,00196486	90,23

**A₃ алгоритмидан фойдаланган ҳолда олинган ҳисоблаш
экспериментлари натижалари**

Масала №	Потенциал манбалари моделларини қуришга асосланган таниб олиш алгоритми		
	Вақт (сек.)		Таниб олиш аниқлиги (%)
	Ўқитиш	Таниб олиш	
1	5,04212891	0,0001671	97,08
2	7,11976442	0,00023763	86,95
3	36,94990908	0,00122677	95,29
4	2,91049545	0,00008825	92,66

2. Потенциаллар манбаи моделини қуришга асосланган таниб олиш операторларини ўқитиш учун сарфланадиган вақт кўриб чиқилган бошқа таниб олиш операторларига нисбатан қисман кўп бўлишига қарамасдан, ушбу моделлар қуйидаги ижобий томонларга эга:

- ўқитиш объектлари тўпламига оид ахборот хотирада сақлаш учун нисбатан анча кам жой керак бўлади;
- номаълум объектларни таниб олиш жараёнида операциялар сони нисбатан кам бўлганлиги сабабли, таклиф қилинган таниб олиш операторларини реал вақтда фойдаланиш учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Иловада диссертация ишининг натижалари амалиётга жорий қилинганлигини исботловчи ҳужжатлар ҳамда ЭХМ учун ишлаб чиқилган дастур расмий равишда рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган гувоҳномалар нусхалари келтирилган.

ХУЛОСА

“Белгилар фазоси ўлчамининг катталигини ҳисобга олган ҳолда потенциал функциялар синфи доирасида таниб олиш операторларини синтез қилиш усуллари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Мавжуд таниб олиш алгоритмлари моделларининг таҳлили шуни кўрсатдики, улар асосан белгилар фазоси боғлиқ бўлмаган ҳол учун амалий масалаларни ечишга қаратилган. Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина масалаларида объектлар ўзаро боғлиқ белгилар фазосида ифодаланади. Таниб олиш алгоритмларининг кўпгина турлари ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, улар ушбу масалаларни ечишда аниқлик ва ҳисоблаш мушкуллиги нуқтаи назаридан етарлича самара бермайди.

2. Белгилар фазоси катта бўлган ҳолда тимсолларни таниб олиш

масаласини ечиш мақсадида икки ёндашув кўриб чиқилди, жумладан: мавжуд таниб олиш операторларини такомиллаштириш; потенциал функцияларга асосланган янги таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш. Биринчи йўналишда репрезентатив ва мақбул белгиларни танлаб олиш йўли билан такомиллаштирилди. Иккинчи йўналишда потенциал манбалари моделларини куриш асосида янги таниб олиш операторлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари белгилар фазосида боғлиқликларни ҳисобга олиш имконини беради.

3. Ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари моделларининг тузулмавий таҳлили асосида улар параметрик ифодаланган ва экстремал алгоритмларни куриш масаласи шакллантирилган. Ушбу масалани ечиш номаълум параметрларни қийматларини аниқлашга келтириш мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу қийматларни аниқлаш жараёнлари таклиф қилинган, улар ёрдамида экстремал алгоритмларни яратиш имконини беради.

4. Ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари асосида ўзаро боғлиқ белгилар фазосида берилган объектларни таснифлаш ва прогноз қилишга мўлжалланган, “MRO-PF” дастурий мажмуаси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурий мажмуанинг ишлаши модел масала ва республика иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий масалаларни ечиш билан кўрсатилди. Бунда таниб олиш аниқлигини ўртача 10-15 фоизга ошириш имконини беради.

5. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари ва дастурий мажмуасини амалиётда қўллаш услублари ишлаб чиқилди, улар қуйидагиларга асосланади:

- таниб олиш объектлари берилган белгилар фазоси катталашган сари, белгилар ўртасида боғлиқликлар мавжуд бўлиши эҳтимоли ортади. Бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқилган таниб олиш операторларидан фойдаланганда самара ортишига хизмат қилади;

- белгилар фазосининг ўлчами катта ҳолда берилган объектларни таниб олишга сарфланадиган вақтни қисқартириш мақсадида ишлаб чиқилган таниб олиш операторларидан фойдаланиш тавсия қилинади, мисол учун, реал вақтда ишлайдиган таниб олиш тизимлари яратиш имконини беради.

6. Олинган натижалар, келтирилган хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилиги, дастлабки жўнатмаларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги, тимсолларни таниб олиш назарияси ва маълумотларни интеллектуал таҳлил усулларини тўғри қўллашга асосланади ҳамда қуйидагилар билан текширилди ва тасдиқланди:

- белгилар фазосининг ўлчами катта бўлган ҳолда таниб олиш модел масаларида ўтказилган ҳисоблаш экспериментлари натижалари билан;

- ишлаб чиқилган таниб олиш операторларидан фойдаланиш самаравийлиги тўғрисидаги назарий хулосалар тимсолларни таниб олишдаги хатоликларни тажрибавий баҳолаш ва тимсолларни аниқлаш соҳасидаги замонавий тадқиқотлар натижалари ҳамда солиштирма таҳлили билан;

- экспериментал тадқиқотлар натижалари ва тўртинчи бобда келтирилган амалий масалларни ечиш билан.

7. Ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари тиббий ва техник диагностика, геологик прогноз қилиш, беометрик идентификация қилиш ва белгилар фазосининг ўлчами катта бўлган ҳолда объектларни таснифлаш масаласини ечиш зарур бўлган бошқа соҳаларда қўллаш имконини беради.

8. Кейинги тадқиқотларни таклиф қилинган таниб олиш операторлари доирасида экстремал таниб олиш операторларини қуришда ҳисоблаш амалларини камайтиришга йўналтириш лозим. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бир қатор амалий масалаларни ечишда, экстремал операторларни қуришда биринчи навбатдаги масалалар юзага келди, бу:

- “мустақил” белгилар тўпламини сонини аниқлаш жараёни;
- афзал белгилар тўпламини аниқлаш жараёни;
- тафовут функциясининг параметрини аниқлаш жараёни.

Шу сабабдан, таниб олиш операторларининг ушбу параметрларни аниқлаштириш жараёнларини ишлаб чиқиш йўналишида тадқиқотларни давом эттириш лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

МИРЗАЕВ ОЛИМЖОН НОМАЗОВИЧ

**СИНТЕЗ РАСПОЗНАЮЩИХ ОПЕРАТОРОВ В КЛАССЕ
ПОТЕНЦИАЛЬНЫХ ФУНКЦИЙ С УЧЕТОМ БОЛЬШОЙ
РАЗМЕРНОСТИ ПРИЗНАКОВОГО ПРОСТРАНСТВА**

05.01.03 – Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/T46.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Фазылов Шавкат Хайруллаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Гулямов Шухрат Манопович
доктор технических наук, профессор

Порсаев Ганиджан Мухамедович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «9» июня 2018 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2544). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «26» мая 2018 года.
(протокол рассылки № 5 от «28» апреля 2018 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

М.А.Исмаилов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется разработке и развитию методов обработки информации, распознавания образов и интеллектуального анализа данных. В этом направлении разработка систем распознавания и классификации, а также их применение в технической и медицинской диагностике, биометрических системах, системах управления производственными процессами является одной из важных задач. На сегодняшний день разработаны и исследованы различные методы распознавания и классификации, в частности, детерминированные, вероятностные, логические и структурные методы. Во многих странах мира, в том числе в США, Белоруссии, Великобритании, Германии, Южной Кореи, Канаде, Российской Федерации, Сингапуре, Украине, Китае, Индии, Японии, уделяется большое внимание проблемам распознавания и классификации.

В мире одним из приоритетных направлений развития компьютерных технологий является разработка и исследование новых методов и алгоритмов, используемых в системах распознавания образов, в том числе, алгоритмов распознавания, ориентированных для использования в случаях большой размерности признакового пространства. В этой связи разработка алгоритмов распознавания образов в пространстве взаимосвязанных признаков, обеспечивающих возможность распознавания в признаковом пространстве большой размерности, входит в число важных задач.

В нашей республике особое внимание уделяется внедрению информационно-коммуникационных технологий во все отрасли экономики и социальной сферы, в том числе, проведению научных исследований по разработке методов и алгоритмов компьютерной обработки и анализа информации, а также распознавания образов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. отмечены задачи, в том числе: «...дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления»¹. Осуществление указанных задач, в том числе, разработка распознающих операторов в классе потенциальных функций с учетом большой размерности признакового пространства считается одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3245 от 29 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О мерах по дальнейшей реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

сфере информационно-коммуникационных технологий», №ПП-1989 от 27 июня 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №838 от 17 октября 2017 года «О мерах по организации деятельности Центра информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросы разработки и усовершенствования методов обработки данных и распознавания образов, а также их практического применения рассмотрены в работах С.В.Абламейко, С.А.Айвазяна, М.А.Айзермана, В.В.Александрова, В.Б.Берикова, М.М.Бонгарда, Э.М.Бравермана, В.Н.Вапника, В.И.Васильева, С.Ватанабе, Р.Гонсалеса, А.Л.Горелика, Н.Д.Горского, У.Гренандера, И.Б.Гуревича, А.Г.Дьяконова, Р.Дуды, Ю.И.Журавлева, Н.Г.Загоруйко, А.Г.Ивахненко, В.А.Ковалевского, Г.С.Лбова, В.Л.Матросова, Н.Нильсона, Т.Павлидиса, Э.Патрика, Ф.Розенблатта, Дж.Ту, К.Фу, П.Харта, Б.Хорна, Я.З.Цыпкина и др.

В Узбекистане большой вклад в развитие теоретических основ распознавания образов и классификационной обработки данных внесли М.М.Камилов, Р.Т.Абдукаримов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, Э.М.Алиев, Дж.Х.Гулямов, Н.А.Игнатъев, Р.А.Лутфуллаев, А.Х.Нишанов, С.С.Садыков, Н.Т.Рустамов, М.Х.Тешабаева, Ш.Е.Туляганов, Ш.Х.Фазылов, Р.Х.Хамдамов и др.

В настоящее время, несмотря на достигнутые успехи в развитии теории и практики распознавания образов, проблема разработки алгоритмов распознавания образов в пространстве взаимосвязанных признаков с применением метода потенциальных функций изучена недостаточно глубоко.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научных проектов плана научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий по следующим темам: № ФА-А17-Ф010 «Разработка алгоритмического и программного обеспечения многоуровневой системы биометрической идентификации личности» (2009-2011); № А5-ФА-Ф022

«Разработка и практическое применение гибридных алгоритмов и программного обеспечения биометрических решений» (2012-2014); № Ф4-ФА-Ф004 «Теория информационно-распознающих систем частичной прецедентности и методы их применения для интеллектуального анализа данных» (2012-2016); № А5-003 «Разработка и практическое применение алгоритмического и программного обеспечения системы анализа рукописных текстов» (2015-2017).

Целью исследования является разработка распознающих операторов в классе потенциальных функций в условиях большой размерности признакового пространства.

Задачи исследования:

модификация распознающих операторов, основанных на потенциальных функциях;

разработка распознающих операторов, основанных на построении моделей источников потенциала;

параметрическое представление и оптимизация разработанных распознающих операторов;

выработка рекомендаций по практическому применению разработанных распознающих операторов на основе решения модельной и практических задач.

Объектом исследования является класс алгоритмов распознавания образов, основанных на потенциальных функциях.

Предмет исследования составляют распознающие операторы, основанные на потенциальных функциях и построенные с учетом большой размерности признакового пространства и взаимозависимости признаков.

Методы исследований. В процессе исследования использованы методы дискретной математики, теории вероятностей и математической статистики, а также распознавания образов.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

